

Эрамизнинг 551 йилида Олтойда янги давлат – Турк хоконлиги юзага келди. Турк хоконлиги хукмдори Муканхокон (554-576 йй.) ва унинг амакиси Истами Ябгуларнинг Ўрта Осиёга юришлари VI асрнинг 50-йиллари охири ва 60-йилларида айникса ку-чайди. 568 йили Ўрта Осиё батамом улар кўлига ўтди. Улар аввал кўпроқ ўзлаштирилмаган ерларга, сўнгра аста-секин маҳаллий аҳоли яшайдиган кишлокларга яқинлашиб, ерли халк маданий-хўжалик ютуқлари таъсирида ярим ўтрок ва кўп ҳолларда ўтрок турмуш кечиришга, улар билан иктисодий ва маданий алоқани кучайтиришга муяссар бўлдилар. Натижада Хоразм, Фарғона, Сўғднинг катта қисмида яшовчи туркий қабилалар улар билан аралашиб кетди.

VI асрнинг 60-70 йилларида хоконлик қабилалари Бухоро воҳаси ва ҳатто Шимо-лий Афғонистон ҳудудларига ҳам бориб ўрнаша бошладилар. Бунинг натижасида маҳаллий аҳоли билан ўзаро яқинлашув ва кон-қариндошчилик алоқаларининг ри-вожланиши жараёни содир бўла бошлади. 603 йилга келиб Турк хоконлиги узил-кесил 2 қисмга: Шарқий ва ўарбий қисмларга бўлиниб кетади. Ўрта Осиёдаги бир не-чта кичик ярим мустанкил давлатлар ўарбий Турк хоконлиги таркибида эди.

Янги ер эғалиги муносабатлари ривожланаётган ўарб хоконлигининг ижтимоий таркиби ҳам, сиёсий бошқаруви ҳам анча-мунча мураккаб эди. Ярим асрлик хукмронлик жараёнида туркларнинг бир қисми ўтроклашади, қолганлари ерли чор-вадорлар билан аралашиб кетади. Ўтрок ҳаётнинг анъанавий-маъмурий удумлари таъсирида бошқарув таркиблари аста-секин ўзгариб, хоконлик қабилаларининг иж-тимоий-сиёсий мавқеи мустанкамланиб боради. Турклар этник-сиёсий ҳаётда фаол-лашиб, Ўрта Осиё жамиятининг барча жабҳаларида тенг қатнаша бошлайдилар. Хокон Шегуй вафотидан кейин (618 й.) ҳокимиятга келган Тўн Ябгу (Тўн баҳодир) даврида ўарбий хоконлик янада кучаяди.

Бу жараёни тўхтатиш учун ҳеч бир сиёсий қуч майдонга чиқмади. Аксинча, маҳаллий аслзодалар, айникса, сўғд зодагонлари турк хоконлари ҳимоясида ўз савдо-сотик ишларини ривожлантириб, бу ишлардан жуда катта даромад олар эдилар. Туркий аҳоли сон жихатдан кўпайиб, уларнинг маҳаллий аҳоли ўртасидаги этник қатлами тобора қалинлашиб борди. Айникса, туркий қатлам VII-VIII асрларда Шош ва Фарғонада устун даражага эга эди. Гарчи ўарбий Турк хоконлиги 659 йилга келиб парчаланиб кетса-да, унинг этник таъсири ўлкада сақланиб қолди.

VIII аср бошида арабларнинг Ўрта Осиёга бостириб кириши маҳаллий аҳоли этно-генезига деярли таъсир кўрсатмади. Араблар улардан сиёсий хукмронликни тортиб олиб, туркий халқларнинг Ўрта Осиёга кириб келиш жараёнига чек қўя бошладилар. Хоконлик қабилаларининг маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетиши, уларнинг тобора ўтрок ҳаёт тарзига ўтиши ҳолати юз берди. Туркий тил тобора кенг тарқала бошла-ди. Араблар туркий халқлар таъсирини синдириш мақсадида Мовароуннахрни эрон-ликларга яқинлаштириш сиёсатини тутдилар. Шу мақсадда Ўрта Осиёга VIII-IX аср-ларда арабий ва эроний оилаларни кўчириб келтириб жойлаштириш сиёсатини юргиздилар. Бу даврга келиб турклар ўз таъсирларида Еттисувни сақлаб қолдилар ҳолос.